

“ҚУТАДҒУ БИЛИГ”ДА БИЛИМСИЗЛИК БАЁНИ

Асрор Мухамедов

Андижон давлат университети эркин изланувчиси

Аннотация

Тезисда билимсизликнинг ижтимоий салбий оқибатлари ҳақида Юсуф хос ҳожибининг концепцияси ҳақида сўз боради. Билимсизлик инсоният кулфати экани ҳақидаги қарашлар акс эттирилади.

Калит сўзлар: Кутадғу билиг, билимсизлик, жаҳолат, инқироз, кулфат, жамият.

Юсуф Хос Ҳожибининг билим феномени ҳақидаги концептуал фикрлари жуда кенг бўлиб, уларни тизимлаштириш орқали фалсафий мазмунини очиб бериш мақсадга мувофиқдир.

“Кутадғу билиг” асаридағи ижтимоий-фалсафий масалалардан бири – билимсизликнинг салбий оқибатлари муаммосидир. Юсуф Хос Ҳожиб тангрига билимсиз қилинган ибодат азоб-уқубат эканлигини таъкидлайди. Билимсизликни тугатиш диалектик хусусиятга эга бўлиб, бир томонда ўргатувчи, иккинчи томонда ўрганувчидир.

Кечар ҳайвон каби ғофиллар куни,

Тиласанг уни де, тиласанг буни.¹

Юсуф Хос Ҳожибининг билимсизликка ва унинг оқибатида келиб чиқадиган жаҳолатга муносабати анча қатъий тус олиб, бундай инсонларни ҳайвонга ўхшатади. Билимсиз инсон касали бор бемор кабидир, бу ҳаётни маъносини англаб, яшашдан мақсадини билиши учун илм ўрганиши зарур. Акс ҳолда, бундай жаҳолат инсонни маънавий ва жисмоний жиҳатдан ўлдиради:

Йуры, эй билигсиз, игинни ота,

Билигсиз отын сэн э билгэ қута².

Юсуф Хос Ҳожибининг ушбу байтлари бутун инсониятга мурожаатга ўхшайди. Барчани билим олишга чорлаб, илм орқали тубанликдан, баҳтсизлик ва қайғу-ғамдан халос бўлишга чақиради.

Қайд этиб ўтиш керакки, билим ва билимсизлик диалектикаси нафақат Юсуф Хос Ҳожиб шеърияти, балки ана шу даврдаги айrim мутафаккирлар ижодида ҳам яқол кўзга ташланди.

Ахмад Югнакий “Хибат ул-ҳақойиқ” асарида ёзади:

Биликтин аюрман сўзумга ула,

¹Қутадғу билиг: (Билим саодати)/Юсуф Хос Ҳожиб. Абдуҳамид Пардаев табдили. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016 й. – Б. 317.

² Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. (нашрга тайёрловчи Қаюм Каримов). –Тошкент: Фан, 1971. –Б. 84.

Биликликка ё дўст ўзунгни ула.

Билик бирла билинур саодат йўли,

Билик бил саодат йўлини бу³.

Ушбу мисралар орқали шоир билимли кишилар билан яқин бўлиш, уларни ўзига дўст тутиш ва билим орқали саодат йўли очилиб, манзилга етиши ҳақида ёзиб ўтган.

Яна бир буюк мутафаккир Кайковус “Қобуснома”да “Илмни дўст, бекорчи турмушни душман тутғил”, – дея хитоб қиласди⁴. Ренессанс давридаги алломаларнинг дунёқарashi, ҳаётий тамойиллари ҳамда фалсафий меросига назар ташласак, билимнинг сўзсиз устуворлигини қатъий таъкидлайди. Алломалар “билимсиз эркак аёл, билимли аёл эркакдир” деган ғоятда қизиқ холосалар чиқаради. Бу билан жамият ҳаётида кескин устуворликни сақлаб келган эркакларни билимсизлигини қоралайди, аёлларни илм ўрганишга чоралайди. Албатта, бугунги информацион технологиялар асирида билимнинг қадрига ҳамма ҳам етади, ким ҳам илмсизликнинг салбий оқибатларини тушунмайди, деган фикрда бўлиш мумкин. Глобал муаммолар – урушлар, экологик инқиrozлар, озиқ-овқат ва сув етишмовчилиги каби қийинчиликлар айнан билимсизлик оқибати экани, жамиятмизда учраб турган майший хусусиятга эга, лекин кўлами кенг бўлган ўз-ўзини кўз-кўз қилиш, ҳою ҳавасга берилиш, ўқитувчи ва мураббийларга паст назар билан қараш каби ҳолатларнинг сақланиб қолган муаммо минг йиллар давомида ҳам долзарб бўлиб турганини кўрсатади. “Ўз даврининг етук мутафаккири сифатида илм ва маърифатнинг аҳамиятини тарғиб қилган Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Кайковус илм ва фаннинг барча ютуқларини халқ манфаатига хизмат қилдиришни, кишиларнинг тинмай билим олишини, зулмат ва жаҳолат зим-зиёлигини, уни маърифат, илм нури билан енгишни, илм аҳлларини парвариш қилиш, қадрига етишини тарғиб қилди. Улар илм ва маърифатнинг барча нарсадан устун эканлигини, дунё ишларининг ва ҳаётнинг бирдан бир порлоқ ва тўғри йўли илм-маърифат ҳомийси сифатида майдонга чиққан эдилар”⁵. Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда буюк алломаларнинг, хусусан Юсуф Хос Ҳожибнинг фалсафий меросидан унумли фойдаланиш истиқболлари мавжуд. Асардаги содда ва тушунарли сўзлар аҳолининг аксарият қатламларини билим ва маърифатга бўлган қизиқишини кучайтириши мумкин. Дастреб “Қутадғу билиг” асаридаги диний қарашларга тўхталиб ўтсан. Юсуф Хос Ҳожиб яшаган даврга келиб ислом диний Марказий Осиё халқлари маънавий ҳаётида ўрин эгаллашга улгурган эди. Шу сабабли бўлса керак, Юсуф Хос Ҳожиб фалсафасида диний мотивлар марказий ўрин эгаллайди. Асарнинг кириш қисми ўз даври

³ Аҳмад Юғнакий. “Ҳибат ул ҳақойиқ”. (нашрга тайёрловчи Қозоқбой Маҳмудов) Ғафур ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти.– Тошкент, 1971. –Б.37.

⁴ Кайковус. Қобуснома.– Тошкент: “Ўқитувчи”, 2011. –Б. 22.

⁵ Д.Зарипова. Туркий ва форс-тоҷик адабиётларида илм ҳақидаги қарашлар (“Қутадғу билиг”, “Ҳибат ул ҳақойиқ” ва “Қобуснома” асарлари мисолида).// Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари халқаро конференция тўплами.– Тошкент, 2020. – Б. 218.

анъаналаридан келиб чиқиб Яратганга ҳамду сано ва мадхлар билан бошланади. Шунингдек, Аллоҳнинг сифатлари келтирилиб, унга дуолар ўқилади.

Худодан қўрқ, имон шартларини бузма,
Худонинг лутфидан ҳам умид узма.⁶

Шоир оламни яратувчиси бўлган зотдан қўрқишига чақиради. Гуноҳлар учун жазоланиш муқаррар ва шу билан биргаликда ҳар бир банда қанчалик гуноҳлар қилмасин, Аллоҳнинг марҳаматидан умидвор бўлавериши кераклигини қайд этиб ўтади.

Инсон тақдирига ёзилгани худодан экани ва барча ишлар унинг ихтиёридан келиб чиқиб қуидагиларни ёзади:

Барча яхши-ёмон, кам-кўст, давлатим,
Худодан биларман, эй басавлатим.⁷

Юсуф Хос Ҳожиб худосизлик, Аллоҳга шак келтиришни қоралайди ва бундай кишиларнинг тақдири бошқаларга ўрнак бўлиши кераклигини айтиб ўтади.

Қани давлатига ортиқ инониб,
Яшил, кўк тилаган қора қуш миниб.

Қани у: “Худо – мен” дегувчи тубан,
Худо денгизга ғарқ қилган умуман⁸.

Шоир бу ўринда Миср подшоҳи Намруднинг тақдирига эътибор қаратади. Намруд ўзига бино қўйиб, худони унутди. Иброҳим алайҳиссаломга зулм ўтказиб, ўзини худо деб эълон қилди ва Аллоҳнинг қаҳрига учради. Шу каби яратганга шак келтирган инсоннинг борар йўли охири дўзахдир деган холосага келади, аллома.

Юсуф Хос Ҳожиб қиёмат кунига ишора қилиб ёзади:

Кун келар муқаррар Худо сўроғи,
Худо сўроғин шай мудом тузоғи⁹.

Бу дунё синов дунёдир. Бебошлиқ ва гердайиш билан кунларни ўтказмай, худонинг сўроғи учун жавоб ҳозирла, дея хитоб қилади. Ҳақиқий дунёга тайёргарлик қўриб ўз қусур ва камчиликларингни тўғрилашинг керак деган ғояни илгари суради. Маънавий баркамолликка интилиш, инсонларга яхшилик қилиш ва эзгулик инсоннинг бу дунёдаги асосий вазифасидир. Қиёмат қуни сўраладиган асосий савол, инсоннинг яхшиликлари саноғидир. Асардаги ислом дини билан боғлиқ қарашларга бошқа олимлар ҳам эътибор қаратган: “Қутадғу билиг”да dua; “Аллоҳга илтижо қилиш, ниёз”, dua birle-, dua artur-, dua 1d-, dua kıl-, dua teg-, duaçı bol-, duaçı tur-, edgü dua каби бир неча қўринишда, турли шакилларда, хусусан Ислом динидаги аталиши шаклида қўлланилган. Бу жиҳатдан асарда олқиши тилаклар мазмун жиҳатдан кўп қўлланилган бўлишига қарамай, айнан

⁶ Қутадғу билиг: (Билим саодати)/Юсуф Хос Ҳожиб, Абдуҳамид Пардаев табдили. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016 й. – Б. 359.

⁷ Қутадғу билиг: (Билим саодати)/Юсуф Хос Ҳожиб, Абдуҳамид Пардаев табдили. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016 й. – Б. 367.

⁸ Ўша манба. – Б. 452.

⁹ Ўша манба. – Б. 503.

олқишиң сүзи билан боғлиқ жумлаларда туркча сүз сифатида 7 маротаба, арабча айтилиш, яни диний сүз доирасида (dua) дуо шаклида Аллоҳга сиғиниш/ёлвориши/ибодат қилиш/ниёз этиш маъноларида асар мисраларида 62 маротаба истеъмол қилинганд”¹⁰.

Бу орқали илм аҳли томонидан баён қилингандай фикрлар аксарият ҳолларда маълум бир қонуниятларга бўйсуниб айтилган, хулосалар эса мантиқий жиҳатдан асосланганига эътибор қаратилади.¹¹

“Қутадғу билиг” асарида ислом дини ақидалариға риоя этишга доир жуда кўплаб фикрлар бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам инсоний камолотга интилиш, бошқаларнинг муаммолариға бефарқ бўлмаслик ҳақидадир. “Аслида ҳам, туркий-буддавий, туркий-манихейлик, туркий-насоро, баъзи яхудийлик таъсирлари умуминсоний яқинлик, алоқа, муносабатларнинг намоён бўлиши бўлибгина қолмай, XI аср одами, ўзининг асл туркий дунёқараши, сўзлари, амалиётида ўта масъулиятли шахс бўлган Юсуф Хос Ҳожиб учун мазкур анъана, қадриятлар “яқин минг йиллардаги ўз ҳалқи (турклар) учун муқаддас, азиз саналган”¹². Юсуф Хос Ҳожиб диний қарашларининг фалсафий моҳияти эса диний мутассиблиқдан юқори бўлган, соғлом ақл ва тафаккурга таянадиган, давлат ва жамият муаммоларини ҳал қилишда ислом динининг маърифатидан фойдаланишга қаратилгани билан эътиборга сазовордир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қутадғу билиг: (Билим саодати)/Юсуф Хос Ҳожиб. Абдуҳамид Пардаев табдили. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016 й. – Б. 317.
2. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. (нашрга тайёрловчи Қаюм Каримов). –Тошкент: Фан, 1971. –Б. 84.
3. Аҳмад Югнакий. “Ҳибат ул ҳақойик”. (нашрга тайёрловчи Қозоқбой Маҳмудов) Гафур Гулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. – Тошкент, 1971. – Б.37.
4. Кайковус. Қобуснома.– Тошкент: “Ўқитувчи”, 2011. –Б. 22.
5. Д.Зарипова. Туркий ва форс-тожик адабиётларида илм ҳақидаги қарашлар (“Қутадғу билиг”, “Ҳибат ул ҳақойик”ва “Қобуснома” асарлари мисолида).// Жаҳон туркологиясининг буюк обидаси “Қутадғу билиг” ва уни ўрганишнинг долзарб масалалари ҳалқаро конференция тўплами. – Тошкент, 2020. – Б. 218.
6. Қутадғу билиг: (Билим саодати)/Юсуф Хос Ҳожиб, Абдуҳамид Пардаев табдили. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016 й. – Б. 359.

¹⁰ Р.Р.Арат. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” таржимаси. II нашр, Турк тарих қуруми, Турк тарих қуруми нашриёти. – Анқара, 1959. – Б. 135.

¹¹ Мұхамедов Асрор (2022). ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ ИЖТИМОЙ СТРАТИФИКАЦИЯ КОНЦЕПЦИЯСИ. Ta’lim fidoyiları, 13-09 , 28-32.

¹² Қаранг: Б.Тўхлиев. Ю.Х.Х. фалсафаси// Мулоқот. 1994. №1-2. 46-51-бб.; А.Қаюмов, М.Исҳоқов, А.Отаҳўжаев, Қ.Содиқов. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: Ёзувчи, 2000. – 230 б.; Н.Раҳмонов. Руҳиятдаги Нур муроди. – Т.: А.Қодирий, 2002. – 128 б.; Қ.Омонов. Элнинг қути – Қутадғу билиг//Ўзб.АС. 2010. 10. XII. 3-б.

7. Қутадғу билиг: (Билим саодати)/Юсуф Хос Ҳожиб, Абдуҳамид Пардаев табдили. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016 й. – Б. 367.
8. Ўша манба. – Б. 452.
9. Ўша манба. – Б. 503.
- 10.Р.Р.Арат. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” таржимаси. II нашр, Турк тарих қуруми, Турк тарих қуруми нашриёти. – Анқара, 1959. – Б. 135.
- 11.Мұхамедов Асфор (2022). ЮСУФ ХОС ҲОЖИБНИНГ ИЖТИМОЙ СТРАТИФИКАЦИЯ КОНЦЕПЦИЯСИ. Ta’lim fidoyilari, 13-09 , 28-32.
- 12.Қаранг: Б.Тўхлиев. Ю.Х.Ҳ. фалсафаси// Мулоқот. 1994. №1-2. 46-51-бб.; А.Қаюмов, М.Исхоков, А.Отахўжаев, Қ.Содиков. Қадимги ёзма ёдгорликлар. – Т.: Ёзувчи, 2000. – 230 б.; Н.Раҳмонов. Руҳиятдаги Нур муроди. – Т.: А.Қодирий, 2002. – 128 б.; Қ.Омонов. Элнинг кути – Қутадғу билиг//Ўзб.АС. 2010. 10. XII. 3-б.